Биография

Зулхумор Холмонова



Зулхумор Холмонова 1969 йилда туғилди. 1985 йилда мактабни “аъло” баҳоларга битириб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. Университетни имтиёзли диплом билан битирган ёш мутахассисни устозлари “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасига ишга таклиф қилишди. Кейин “Умумий тилшунослик” кафедрасида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирди. 1999 йилда у филология фанлари доктори, профессор Шавкат Раҳматуллаев раҳбарлигида “Шайбонийхон” достони лексикаси” номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Тез орада доцентлик илмий унвонига ҳам эришди. Зулхумор Холмонова “Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси” кафедрасининг доценти сифатида “Бобурнома”нинг лексик тадқиқи” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб борган ва муваффақиятли ҳимоя қилган.

Асарлари:

2000

Тилшуносликка кириш. Намунавий дастур. Т., “Университет”.
Тилшуносликка кириш. Маърузалар матни (ҳаммуаллифликда). Т.
Қадимги туркий тил. Маърузалар матни.Т.

2003

Ҳозирги ўзбек адабий тили курси юзасидан қўлланма. Т.
Тил таълимида миллий истиқлол ғояси. Услубий қўлланма. Т.
“Бобурнома”нинг айрим лексик хусусиятлари. Т.
“Бобурнома” – эски ўзбек тилидаги нодир манба. Т.

2007

“Бобурнома” лексикаси. Монография. Т., “Фан”.
Ўзбек адабий тили тарихий лексикаси (XIV аср иккинчи ярми – XX аср боши). Монография (ҳаммуаллифликда). Т., “Фан”.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.